

# ҮН ЕТТИ ЙИЛГА ҚАМАЛГАН ШАХС ОҚЛАНДИ

— Лекин менга армон бўлган нарса шуки, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганимда отам Қорёғди Эшмуродов вафот этди. Биласизми, Иккинчи жаҳон урушидан омон қайтган отам менинг қамалишимни кўтаролмади.

3-бет

Ҳақсиз жазо  
юқори турувчи  
суд органи  
томонидан  
бекор қилинди

7-бет



# ИНСОН ҚОНУН

16 июнь 2020 йил / № 19 (1223)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

**КАТТАҚҮРҒОН** шаҳрида Давлат хизматлари марказининг янги биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳазрат Навоийнинг дostonидаги Фарҳод тоғларни кесиб сув чиқарган бўлса, замондошимиз Фарҳод Жўраев ўз ҳисобидан янги марказ биносини қуриб, туман аҳолисига қулайлик яратди. Марказ биноси қурилишига икки миллиард икки юз миллион сўм сарфланди.

## Замонамиз ФАРҲОДЛАРИ



Ривожланган давлатларда тадбиркорлар жуда кўп. Аксарият муассасалар хусусий, уларнинг барчаси халқ ва инсонларга хизмат қилади. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида ҳозирги замон талабига хос ва мос қурилаётган Давлат хизматлари маркази асосан халқимизга сифатли ва маданиятли хизмат кўрсатишга қаратилган. Бошқача айтганда, ушбу марказларнинг вазифаси битта, у ҳам бўлса халқимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшашларига қаратилган. Ишбилармон Фарҳод Жўраевнинг ҳомийлик ташаббуси, нафақат, каттақўрғонликлар, балки мамлакатимиз тадбиркорларига ибрат бўлади, десак муволафа бўлмас.

Аслида ишбилармонлик ва тадбиркорлик Фарҳоднинг қониди бор. Отаси Қурбон аканинг асли касби ҳайдовчилик, лекин чорвачилик билан мунтазам шугулланиб келган. Фарзандларини



меҳнат қилиб, тер тўкиб пул топишга ўргатган. Ёш Фарҳод Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг механизация йўналишини тугатиб, турли касбларда ишлади. Ҳозирда "Каттақўрғон миёнкал" МЧЖ-

нинг раҳбари. Корхонада юздан ортиқ одам бор. Улар халққа транспорт хизматларини кўрсатиб келмоқда. Фарҳод ака-укалари билан биргаликда 30 гектар ер олиб, чорвачилик билан шугулланиб, шаҳардаги шифохона, болалар боғчаси, кам таъминланган оилаларга гўшт-сут маҳсулотлари етказиб бермоқда. Шунингдек, ҳозирда улар 140 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси, сутни қайта ишлайдиган цех ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қиладиган корхона қуриш билан машғул.

— Илгариги давлат хизматлари маркази шу пайтга қадар шаҳар ҳокимлигининг 60 квадрат метрлик кичкина бир хонасида халққа хизмат қилаётган эди, — дейди Каттақўрғон шаҳар Давлат хизматлари маркази бошлиғи Шавкат Абдуллаев. — Тадбиркор Фарҳод Жўраевнинг отасига минг раҳмат, бу саҳий инсоннинг ҳиммати билан бугун замонавий кўринишга эга бўлган икки қаватли бинога кўчиб ўтди. Бино одамлар учун жуда қулай, замонавий техника ускуналари билан жиҳозланган. Бинода ташриф буюрувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Хусусан, юмшоқ меҳаллар билан жиҳозланган шинам кутиш зали, ёш болалар оналар учун мўлжалланган болалар майдончаси, кутубхона ва дам олиш хоналари мавжуд. Янги марказимиз ҳар куни 300 дан ортиқ фуқароларга отахонга туғилганлик ҳақидаги кўрсатмоқда.

Юртимизда ана шундай бағрикенг, саховатпеша одамлар кўп. Улар халқимизнинг фаровонлиги йўлида беминнат хизмат қиладилар. Ана шундай инсонлар туғилган мамлакатимиз бўлаб ободончилик ва қурилиш ишлари олиб борилиб, ватанимиз чиройига чирой кўшилмоқда.

— Инсон бахтли ҳаёт кечирishi, элу халқнинг дуосини олиш, ўзидан яхши ном қолдиришни мақсад қилиб яшайди. Инсон қаерда ва қай шароитда яшамасин, ўзига қулайлик яратишга ҳаракат қилади. Аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида мен ва ака-укаларим ушбу хайрли ишга кўл урдик. Мақсадимиз халқимизнинг огирини энгли қилиш ва уларнинг дуосини олиш, — дейди тадбиркор Фарҳод Жўраев.

Азим ҚОДИРОВ,  
"Инсон ва қонун" муҳбири

## Адлия Бўлимлари:

ҲАР бир адлия ходими иш фаолиятида "фуқаролар адлия идоралари фаолиятдан рози бўлиши керак", деган тамойилга қатъий ва оғишмай амал қилиши, адлия органлари ва муассасалари ходимлари "камтар бўлиб, халқимиз олдида қўли кўксиди бўлиб хизмат қилиши лозим.

Худудий адлия органлари раҳбарлари "туман-шаҳар адлия бўлимлари бизнинг юзимиз" тамойилига қатъий риоя этиши во уни амалдо рўёбга чиқариш чораларини кўриши лозим.

## Айримларга 6 йил аҳамиятсизми?

МИРЗО Улуғбек туманида яшовчи фуқаро Г.Жигайлова 403-сон мактабгача таълим муассасасида 1 йил, 402-сонли мактабгача таълим муассасасида 4 йил ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институтида ишлаган 1 йиллик даврларини пенсия ҳисобига қўшиш масаласида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими қароридан норози бўлиб, бўлимимизга мурожаат қилди.

Мазкур мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганилиб, судга даъво ариза киритилди. Туман маъмурий суди биносидида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда даъво ариза кўриб чиқилиб, шикоят қаноатлантирилди. Фуқаронинг пенсия миқдорига қўшимча маблағ ҳисобланадиган бўлди.

Фарҳод САҒАТОВ,  
Мирзо Улуғбек туман адлия бўлими  
бош маслаҳатчиси

6-бет

## 80 ёшида "ТУҒИЛГАН" отахон

Мактабни тамомлаган, худуддаги жамоа хўжалиқларида меҳнат қилди. Бир мuddат туман киностудиясида киномеханик вазифасида ишлаб, энг сара киноларни намойиш этиш орқали хўжаобдликларнинг кўнглидан жой эгаллади. Ҳамкасбларига ўрнак бўлиб, ёшларга устозлик қилди. Бироқ шахсини тасдиқловчи хўжатлари бўлмаганлиги сабабли

кўп йиллик меҳнати ҳисобга олинмай, бошқа тенгдошлари қатори ўз вақтида пенсияга чиқа олмади.

— 17-18 ёшимда менга паспорт беришди, лекин нимадир бўлиб, ҳеч қанча ўтмасдан паспортимни йўқотиб қўйдим, — дейди отахон. — Хўжатларимни тиклаш учун кўп ҳаракат қилдим. Бормаган ташкилотим, кирмаган эшигим қолмади. Архивлардан изладим, натижа бўлмади. Кейин билсам, уйда туғилганлигим боис, дадамнинг 1942 йилда урушга кетиб, вафот этганлиги сабабли менга "метрика" олинмасдан қолиб кетган экан. Шу сабабли хўжатларимни тиклашнинг иложи бўлмади.

Сансалорлик ва бюрократик тўсиқлардан чарчаган Обиджон ота яхши инсонларнинг қўллаб-қувватлаши туғайли яна бир маротаба хўжатларини тиклашга

уриниб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш учун Хўжаобод туман Фуқаролик ҳолати делоплатномаларини ёзиш бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаат туман ФХД бўлими томонидан тезкорлик билан ҳал этилди. Яқинда Давлат хизматлари маркази ходимлари билан биргаликда отахонга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

— Ўзимни ондан қайта туғилгандек ҳис қилаяпман, — дейди отахон. — Узоқ йиллик муаммоим югур-югурсиз, қисқа фурсатда ҳал бўлганини кўриб, ҳайратда қолдим. Мана шундай ишласа ҳам бўларкан-ку. Менга ёрдам берганларнинг барчасига мингданми раҳмат!

Умиджон МАМАРАСУЛОВ,  
Давлат хизматлари  
Агентлиги Андижон вилоят  
бошқармаси масъул ходими



**Обиджон Абдунабиев**  
1940 йилда  
Хўжаобод туманида туғилган. Миллионлаб оилаларнинг ёстигини қуритган, фарзандларни отасиз қолдирган даҳшатли уруш унинг болалигини ҳам синовдан ўтказди. Урушдан кейинги огир йилларда мактабда ўқиди.



# Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

## ? “Пенсиямдан ушлаб қолишмоқчи, шу тўғрими?”



— Қандай ҳолларда пенсия олувчининг пенсиясидан ушлаб қолиниши мумкин?  
 — “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга кўра, қуйидаги ҳолатларда пенсиялардан чегирмалар ушлаб қолиниши мумкин:

а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари, нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилаётган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг қарорига биноан — пенсионерга унинг томонидан қилинган суистеъмолликлар оқибатида ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин.

Пенсиялардан бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

## ? Автомобиль ижара шартномаси қандай тасдиқланади?

— **Автомобил транспорт воситасининг ижара (текин фойдаланиш) шартномаси нотариус томонидан фақат махсус гербли бланкада тасдиқланади.**



Ижара (текин фойдаланиш) шартномаси яшаш жойи, доимий ёки вақтинчалик пропискадан қатъи назар, исталган нотариал идорада расмийлаштирилиши мумкин.

Ижара шартномасини тасдиқлаш учун нотариал идорага тақдим этилаётган ҳужжатлар:

- тарафларнинг паспорти;
- автомобил транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (техпаспорт);
- агар автомобил транспорт воситаси эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки бўлса, эрнинг (хотиннинг) розилиги;
- агар автомобил транспорт воситаси гаровда турган бўлса, гаровга олувчининг розилиги;
- агар шартнома вакил томонидан тузилаётган бўлса, унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат (ишончнома).

## ? “Отамнинг пенсияси тўхтатиладими?”

— **Отам пенсия олар эди. Лекин жиноят судининг ҳукмига асосан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жазони манзил-колонияларда ўташ белгиланган. Энди унинг пенсияси тўхтатиладими?**

— “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга кўра, пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади. Лекин жазони манзил-колонияларда ўташ белгиланган бўлса, пенсия тўлаш давом эттирилади. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахсларга пенсиялар тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсиялар суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақарига ўтказиш орқали амалга оширилади.

## ? Рекламага қандай чеклов бор?

— Қонунчиликка кўра, қуйидаги реклама тақиқланади:

- фақат вояга етганларга мўлжалланган ёки вояга етмаганларнинг олиши ёхуд истеъмол қилиши тақиқланган маҳсулотни вояга етмаганлар истеъмол қилаётган ёки ундан фойдаланаётган тасвир туширилган реклама;
- вояга етмаганларни маҳсулот олишга ёки реклама қилинаётган маҳсулотни олишни илтимос қилиб учинчи шахсларга мурожаат этишга даъват қилувчи реклама;
- ҳақиқий ёки уйинчоқ қуролдан фойдаланилган реклама.

## ? “Енгилроқ иш беришса эди...”

— **Фарзандим жуда ёш. Иш жойимда бажарётган вазифам оғир. Болам билан ишлашга қийналаяпман. Фарзандим катта бўлгунгизга қадар бошқа ишга ўтиб ишлашим мумкинми?**

— Меҳнат кодексига мувофиқ, икки ёшга тўлган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

## ? “Жаримани 15 кунда тўлай олмадим...”



— **Мен ИИБ ЙҲХБ инспектори томонидан тайинланган жаримани 15 кун муддат ичида тўламаганлигим учун давлат ижрочисидан мендан ижро йиғими ундириш тўғрисида қарор чиқарибди, бу қанчалик тўғри?**

— “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, давлат ижрочиси ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш кўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун муддат белгилайди. Агар қарздор мазкур муддат тугаганидан кейин ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этмаган тақдирда давлат ижрочиси мажбурий ижро этиш чораларини кўради ва ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор чиқаради.

Саволларга “Мадад” ННТнинг бош мутахассиси Абдор ЭЗОЗХОНОВ жавоб берди.

## ? Онкологик касалликлар билан оғриган беморлар учун қандай имтиёзлар бор?

— Президентимизнинг 2003 йил 26 февралдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан онкологик касалликларга чалинганларга Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатилади.



Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги “Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан онкологик касалликларга чалинганлар амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга.

Саволга “Мадад” ННТнинг Беруний туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Мансур КАРИМБАЕВ жавоб берди.

# ҲАМ ЭТТИ ЙИЛГА ҚАМАЛГАН ШАХС ОҚЛАНДИ



**Б**у йил адвокатлик фаолиятимга 25 йил тўлди. Ҳаётимда жуда кўп жиноят ишларида иштирок этганман. Албатта, уларнинг орасида судланувчи оқланган талай ишлар ҳам бўлган. Аммо маҳкумнинг оқланиб, жазони ижро этиш муассасасидан озодликка чиқганига сира гувоҳ бўлмаганман.

Буни каранги, мижозим — Жондор тумани, Пешкандок қишлоғида яшаган Ихтиёр Эшмуродов ана шундай тарзда юзи ёруғ бўлиб, озодликка чиқди.

Келинг, дастлаб И.Эшмуродовни жазага маҳкум этган жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2009 йил 3 августдаги ҳукмига эътибор қаратсак. Унга биноан И.Эшмуродов ўз ҳамқишлоғи Тамара Юллеванинг жуда кўп миқдордаги — 10.164.000 сўмга тенг бўлган 7.000 АҚШ доллари (2009 йил 29 январь куни 1 АҚШ доллари 1.408 сўм 44 тиён тенг бўлган)ни қўлга киритиш мақсадида 2009 йил 29 январь куни кеч соат 22:30 да унинг ётоқхонасига ғайриқонуний равишда бостириб кириб, аёлнинг ўзи ҳамда 2000 йилда тутилган невараси, вояга етмаган Умрия Ҳамроевага ҳужум қилади. Яъни, аввалига ухлаб ётган, ожиз аҳволдаги Т.Юллевани қасдан ўлдирish мақсадида неварасининг кўз ўнгига қўллари билан бўғади. Сўнгра боши ва танасининг турли қисмларига ўзи олиб келган ёғоч таёқ билан бир неча мартаба ўта шифакатсизларча уради. Кейин Умрияни ҳам ўлдирish учун худди шу тарзда кетма-кет зарба беради. Оқибатда, буви ва набира ҳушларидан кетиб, йиқилишади. Бундан фойдаланган Ихтиёр эса иккаласининг устига ётоқхона-

даги кўрпа-тўшакларни ташлаб, уларни гугурт билан ёқади-да, воқеа жойидан яширинади. Аммо оловнинг куйдиришиданми ёки бошқа сабабми, ҳар ҳолда, хонадон соҳибаси кўп ўтмай ўзига келади. Сўнг қўни-қўшнилари билан ёрдан чакирғач, кўпчилик бўлиб ёнғинни бартараф қилишади. Натижада босқинчининг жинояти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етмай қолади.

Шундан кейин Ихтиёр Эшмуродовга нисбатан Жиноят кодексининг 164-моддаси, 4-қисми, “а”-банди (ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик қилиш), 25, 97-моддаси, 2-қисми “а, в, ж, и”-бандлари (таъмағирлик ниятида икки ёки ундан ортққ ожиз аҳволдаги шахсни қасдан ўлдирishга суиқасд қилиш) билан жиноят иши кўзга тилади. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг юқоридаги ҳукми билан эса у 17 йил муддатга озодликдан маҳкум этилади. Суднинг 2009 йил 3 сентябрдаги апелляция ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолади.

Гарчи Ихтиёр шундан буён жазо муддатини ўтаб келган бўлса-да, виждони олдида ўзини айбсиз, деб биларди. Шунинг учун унинг оила аъзолари химоячи сифатида менга мурожаат қилишди. Жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиққач, мен ҳам

# 11 ЙИЛДАН СЎНГ ОҚЛАНИБ

мижозимнинг ноҳақ судланганига ишонч ҳосил қилдим. 2019 йил 14 декабрь куни Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган сайёр қабулда унинг номидан Олий суд раиси Қозимжон Комилловга мурожаат этдим. Яъни, тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддалари ҳамда Олий суд пленумининг тегишли қарори талаблари бузилганини тушунтириб, адолатли қарор топтиришда амалий ёрдам сўрадим. Шундан сўнг, Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов хайбати 2020 йил 6 февралда жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2009 йил 3 сентябрдаги апелляция ажрими бекор қилиб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ихтиёр Эшмуродов Охангарон шаҳридаги жазони ижро этиш колониясида жазо муддатини ўтаётгани боис суд ишни видеоконференцалока режимида кўриб чиқди.

лик воситасини ташлаб бўлса ҳам камаш билан кўрқитишди. Кейин мени уч сутка қийнаб, бармоқ изларини олишди. Бирок мен бу жиноятни қилмаганман, виждоним олдида ўзимни айбсиз, деб ҳисоблайман. Шунинг учун адолатли қарор чиқариб, мени оқлашингизни сўрайман.

Чиндан ҳам айни пайтда Россия Федерациясида бўлган Маллохат Жумаева (судланувчининг қўшини) ва 2019 йил 2 июлда вафот этган Ислам Боқиевлар биринчи босқич судидаги кўрсатмаларида ўша кеча И.Эшмуродовнинг уйда бўлганини тасдиқлашган.

Буни каранги, жиноят иши ҳужжатларида воқеа жойини кўздан кечириш 2009 йил 30 январь куни тунги соат 01:20 да, яъни воқеадан 3 соатча ўтибқ ўтказилгани, бармоқ излари уйга кириш эшигининг дераза ойнасидан олинганини қайд этилган. Аммо ўша кеча маҳаллада чироқ бўлмаган. Шундай экан, чироқ йўқлигида кўздан кечириш

лигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз), деб топилшига олиб келади.

Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига мувофиқ, айблов ҳукми таҳминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбни эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижада йиқилган ишончли далилларга асос қилиб олинган лозим. Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди ўзининг 2020 йил 28 майдаги апелляция ажрими билан суднинг 2009 йил 3 августдаги ҳукмини бекор қилиб, Ихтиёр Эшмуродовни айбсиз, деб

# ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАСИДАН

Видеоконференция орқали кўрсатма берар экан, Ихтиёр ўзининг айбсизлигини шундай изоҳлади:

— Ҳамқишлоғим Тамара Юллевани ҳам, оила аъзоларини ҳам танийман. Аммо унинг уйда содир этилган босқинчиликдан тергов жараёнида, ордан 9 кун ўтгач хабар топганман. 2009 йил 29 январь куни кечкурун соат 21:00 ларда уйимдан юз метр наридаги қўшним Ислам Боқиевдан DVD диск олиб келиб, телевизор кўриб ётдим. Кейин ухладим. Буни тасдиқловчи гувоҳларим ҳам бор. Қолаверса, жабрланувчи билан уйимнинг ораси 3 километр келади. Тўғри, Тамара Юллеванинг турмуш ўртоғи Бахтиёр Юллев билан гоҳ-гоҳида карта ўйнаб турганмиз. Лекин уларниқанда пул борлигини билмаганман. Тергов даврида ички ишлар ходимлари жиноятни бўйинмага олишимни талаб қилиб, турли жисмоний ва руҳий таъйиқлар ўтказишди. Ҳатто, чўнтагимга ёки уйимга гиёҳханд-

жараёни қандай амалга оширилгани, эшик деразасидаги бармоқ изи қоронғуда қандай олингани ажабланирли эмасми? Қолаверса, кўздан кечириш жараёни туғди ўтказилгани ҳолда баённомага илова қилинган суратлар кундузи олинганини қизик.

Бундан ташқари, воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида фуқаролар Зафар Бобоев ва Ҳамроев Ҳамроев ҳолис сифатида иштирок этгани баённомада ўз аксини топган. Бирок апелляция инстанциясида сўроқ қилинган З.Бобоев мазкур жиноят ҳақида эртаси куни — 2009 йил 30 январь куни соат 09:00 ларда эшитганини, ҳолис сифатида иштирок этган яна бир фуқаро Ҳ.Ҳамроевни танимаслигини, баённомадаги ҳамда туман ИИБ бошлиғи номига ёзилган тушунтириш хатидаги имзолар ўзиники эмаслигини маълум қилди. Шунингдек, жабрланувчи Т.Юллева дастлабки тергов жараёнида уйига кирган шахсни тани-

топиб, оқлади. Энг муҳими, юзи ёруғ бўлган қаҳрамонимиз жазони ижро этиш колониясидан дарҳол озод қилинди. Энди унинг ўша пайтдаги қувончу ҳаяжонини, 2020 йил 29 май куни уйига кириб келган пайтдаги оиласи, фарзандлари ва яқинларининг кўз ёшларини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Бу ҳам бўлса Президентимиз ташаббуси билан адолатнинг қарор топаётганига энг ёрқин мисол эмасми?

— Хурсандчилигимнинг чегараси йўқ. Бунинг учун, аввало, Президентимизга, Олий суд раиси Қозимжон Комилловга, мени оқлаган жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судига ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Ихтиёр. — Лекин менга армон бўлган нарсаси шуки, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганида отам Корғди Эшмуродов вафот этди. Биласизми, Иккинчи жаҳон урушидан омон қайтган отам менинг камалишимни кўтаролма-

# ОЗОД ҚИЛИНДИ



маганлигини, у ҳеч қандай пул ва бошқа мулклар талаб қилмаганлигини, ўша номаълум шахс ўзини тимдалаб, тан жароҳати етказганини таъкидлаган бўлса-да, кейин эса уйига бостириб кирган шахс айнан И.Эшмуродов эканлиги ва у шифакатсизларча уриб, пул топиб беришни талаб қилигани билдириб, кўрсатмаларини бир неча мартаба ўзгартирган.

Қонуи талабига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонуи нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекинши, у қандай сабабга кўра юз берган-

ди. Учта фарзандимнинг болалиги ҳазон бўлди. Энди ўзингиз айтинг: бу йўқотишларим ва изтироблар ўрнини ким ва нима тўлдирарди?

Дарҳақиқат, 11 йиллик ноҳақ жазо бир инсонга, унинг оиласи ва яқинларига етказган азиятни, азоб-уқубатни сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Бинобарин, Ихтиёр Эшмуродовнинг шаъни ва кадр-кимматини топтаган шахслар — “адолат ва оқилоллик посбонлари” Жиноят кодексининг 230-моддаси (Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш) ва 231-моддаси (Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш)га биноан қонуи олдида жавоб бериши шарт.

Таштемир АДIZОВ,  
Бухоро шаҳридаги “Адолат мезони” адвокатлик фирмаси раҳбари

Ижтимоий тармоқларда роса муҳокама бўлаётган ушбу хабарни қўриб, Ўзбекистонда ҳажвчилик, сатира ва юмор жанри нима сабабдан ривожланмаётганлигига жавоб топгандек бўлди.

Ҳайронмиз, сўз эркинлиги ЙПХ ходимларига тааллуқли эмасми? Биз шундай деб ўйлаб турган вақтимизда ижтимоий тармоқларда ИИБ матбуот котибининг мазкур воқеага билдирган изоҳи эътиборимизни тортди: "ЙХХББ ахборот хизматининг хатоси орқа фонни ўхшата олмаган, гаплашиш тарзи ўхшамаган, камера олдида ижодкорларнинг ўзини ўтқазиб қўйишган.

Монтаж вақтида, ролик қилаётганда эса яна хато қилишган. Сўхбатни тўлиқ чиқариш ўрнига жамоатчилик томонидан салбий кутиб олинган жойини чиқаришган. Шунанга қилсак яхши бўлади, деб ўйлаган-да энди. Натижада ҳаммаси мутлақо тескари бўлиб кетди, "Шўрданақ" ва "Қалпоқ" ижодкорлари ҳам хафа бўлишди.

Буни чиқаришдан олдин аслида мен кўриб беришим керак эди. Қайсидир жойда қайсидир раҳбар келиб, ақллик қилган. Тўхта, мана бу жойини алоҳида чиқарамиз, деган. Натижада яхши ниятда бошланган иш тескарисига айланиб кетган".

"ҚАЛПОҚ" ва "Шўрданақ"чилар йўл патрул хизмати ходимларига атаб қилган ҳажвияси учун пушаймон эканини айтиб, узр сўрашди".

МУНОСАБАТ



# "ГАИ"НИНГ

## БОШҚА ИШИ ЙЎҚМИ?..

**Н**аҳотки, шундай "катта ақли" ишни қилишадими, ахборот хизмати бундан беҳабар қолади? Аслида, катта идораларнинг ахборот хизматлари ҳар бир сўз учун масъул, жавобгар бўлиши керак эмасми? Ахборот хизмати раҳбарининг юқоридаги изоҳининг ўзи ҳам изоҳга муҳтож бўлиб қолмадимикин?..

билан ҳамкорликда ЙХХБ билан боғлиқ ҳазилларини ролик тарзида тайёрлашмоқчи эди".

Демак, эртага буюк адибларимиз Муқимий, Абдулла Қаҳҳор ва Ғафур Ғулوم, Саид Аҳмадлардан қолган ҳажвий асарлардаги "сатира ўқлари" учун уларнинг қариндошларидан узр сўралган лавҳа тайёрланиб, тарқалиб кетгудек бўлса ҳам ажабланмаслигимиз керак эканда-а?

Мазкур воқеалар муҳокамасини кузатар эканмиз, ижодкор Шоира Шамсининг ўз саҳифасида қолдирган қисқачина изоҳи бизни ўйлантириб қўйди: "Французларнинг машҳур "Такси" фильми давлатнинг бутун бир полициясини юмор остига олган. Фильмни эса бутун дунё томоша қилган. Франция полицияси кино ижодкорларини нега кечирим сўратмаган экан-а?".

Мазкур постга ёзувчи, драматург Кўчкор Норқобил ҳам ўз фикрини билдирган: "Чунки французлар комедия деган жанр борлигини, адабиётда сатира ва юмор мавжудлигини, ҳажвия ва интермедиянинг елкасидаги юк нимадан иборатлигини билишадди, чунки улар китоб варақлайди, чунки улар адабиётдан бу жанрларни супуриб ташлаш мумкин эмаслигини тушунишадди.

**Кўзгуга одам нима учун қарайди? Узини тартибга солиш, юзидаги ўсик-мўсик соқолини олиш, агар чанг-чунг теккан бўлса тозалаш учун ҳам. Агар кўзгуга "юзингни тозала", деса, уриб синдириб ташламайсан-ку... Шундай қилсанг, қўлинг лат эйди. Ҳажв адабиётининг кўзгуси. Бу кўзгунинг ўзбекнинг даҳо адиблари кўтаришган. Бу кўзгунинг кўтариши осонмас, унинг аҳамияти жамият учун "ГАИ"нинг таъғидан кўра муҳимроқ бўлган...**

Ҳозир ҳам шундай бўлса керак... Ё мен орқада қолиб кетдиммикин?".

"Қалпоқ" ва "Шўрданақ" қайси қондани бузганига ҳайронмиз. Ахир, кулгу умрни узайтиради, дейишадди-ку. Наҳотки, ҳазилни тушунмасак, беғубор кулгулар учун ҳам жарима тўласак ёки маънавий жазо олсак? Қандай замонда яшаймиз ўзи?

Россияда ва бошқа кўплаб давлатларда юмор ва сатириклик, ҳажвчилик — касб, санъат ҳисобланади. Бизда эса бошогриқ ва дардми? Уларга, ҳатто, юқори лавозимдаги раҳбарларни ҳажв қилса ҳам ҳеч ким тош отолмайди,

кечирим сўрашни талаб қилолмайди. Бизда-чи? Бизда... "Қалпоқ" ва "Шўрданақ"нинг аҳволига тушиб, кимлардандир кечирим сўраб юриш "мода"га айланадими? Ахир, ҳажвий асарлар жамиятдаги қанча-қанча "огриқ тишлар"дан қўтилишимизга ёрдам бермаганмиди?

"Қалпоқ" ва "Шўрданақ"чиларнинг бу аҳволи бундан бир неча йил аввал вилоят шифохонасининг кардиология бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Тиловжон ака сўзлаб берган бир воқеани ёдимизга солди.

Қишнинг қаҳрли кунларидан бирида Қизилқумнинг олис Томди туманидан Навоий гушт комбинатига юк машинасида мол ортиб келаётган ҳайдовчига йўловчи аёл ҳамроҳ бўлади. Мустақилликдан олдинги йилларда вилоят марказидан қарий 600 километр олисда жойлашган овуллардан унча-мунча транспорт ўтмаслиги боис, ҳайдовчилар ҳам одамларга холис хизмат қилишга одатланган эди.

Навоийда тахсил олаётган қизи ёнига келаётган бу кекса аёлнинг йўлда касали хуруж қилиб, шаҳарга яқинлашганда аҳволи жуда оғирлашиб қолади. Шунда ҳар бир дақиқа олтинга тенглигини тушунган ҳайдовчи юк машинаси кириши тақиқланган бўлишига қарамасдан, аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида тақиқланган йўл белгисини кўра туриб, қондани бузишга мажбур бўлади. Аёлни вилоят шифохонасига олиб бориб, унинг ҳаётини сақлаб қолади. Аммо бу олижаноблиги унга жуда қимматга тушади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги (ГАИ) ходимлари тақиқ белгилари йўлдан юргани учун унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишадди.

Қизиқ, битта оиланинг қувончи ҳаётга қайтди, она ўлимдан қолди. Яна бир оиланинг суянчи, ўша қийин шароитларда бола-чақасининг ягона боқувчиси

эса инсонийлик кўрсатгани, биронинг ҳаётини сақлаб қолгани учун "жазоланди"— инсонийлик жазоланди.

Тўғри, у қондани бузмаслиги мумкин эди. Унда қил устид турган бир инсон ҳаёти барбод бўлиши, бир оила меҳрибонидан жудо бўлиши турган гап эди.

Бу ватанпарварликнинг ҳақсиз жазоси учун кимнидир айблаш фикридан йироқмиз. Қонун барчага баробарлигини яхши биламиз.

Аммо "ГАИ" ходими ўшанда қонунларни пеш қилиб, шифокорларнинг ўртага тушиб, тушунтиришларини, ҳайдовчининг ёрдами туфайли беморнинг ҳаёти сақлаб қолингани тўғрисидаги фикрларини ҳам инобатга олмасдан, бечора ҳайдовчини ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилганида ноҳақ эканлигини, инсон ҳаёти ҳамма нарсадан устунлигини билмаганми...ди? Йўқ, афсуски, буни тан олишни истамаганми.

Худди шу воқеани вилоят газетасида ёритганим учун ички ишлар идораси ходими

мени ҳар куни таъқиб қилиб, "Уша "ГАИ" ходимини бизга топиб берар экансиз, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи тушунтириш хати ёзишнингизни талаб қилаяпти", деб менга кўп маънавий зарар етказган эди.

Ҳа, дарвоқе, кейинги йилларда матбуот саҳифаларида фелъетон деган жанр анқонинг уруғига айланди. Ёки фелъетон ёзиш учун ҳам энди "айримлардан" рухсат олиш керакми?


"ГАИ"нинг бошқа қиладиган иши йўқми?

Маруса ҲОСИЛОВА,  
"Инсон ва қонун" муҳбири



Матбуот котибининг қуйидаги фикрларига қаранг: "Ролиқни йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тайёрлаган. ЙХХББда янги ахборот хизмати ташкил этилди, улар туркум кўрсатувлар тайёрлашмоқчи. Шу мақсадда ёш ижодкорлар йиғилган. Улар тизимга янгиллик киритиш, турли ҳажвий гуруҳлар

Матбуот котибининг қуйидаги фикрларига қаранг: "Ролиқни йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тайёрлаган. ЙХХББда янги ахборот хизмати ташкил этилди, улар туркум кўрсатувлар тайёрлашмоқчи. Шу мақсадда ёш ижодкорлар йиғилган. Улар тизимга янгиллик киритиш, турли ҳажвий гуруҳлар





## Малака оширишга юборилган ходимга пул тўланмади

## АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ:

ҲАР бир адлия ходими иш фаолиятида “фуқаролар адлия идоралари фаолиятдан рози бўлиши керак”, деган тамойилга қатъий ва оғишмай амал қилиши, адлия органлари ва муассасалари ходимлари “камтар бўлиб, халқимиз олдида қўли кўксидан бўлиб хизмат қилиши лозим.

Худудий адлия органлари раҳбарлари “туман-шаҳар адлия бўлимлари бизнинг юзимиз” тамойилига қатъий риоя этиши ва уни амалда рўёбга чиқариш чораларини кўриши лозим.



АМУДАРЁ туман адлия бўлимига 2020 йил апрель ойида фуқаро Н.Бозорбоева малака оширишда бўлган кунлари учун иш берувчи томонидан кафолатли тўловлар тўланмаганлигини айтиб, мазкур тўловларни ундиришда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш давомида ходим Нилуфар Бозорбоева туман тиббиёт бирлашмаси бошлигининг 2020 йил 15 январдаги 1-сонли буйруғига асосан 2020 йил январдан апрелга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази Нукус филиалида ўз ҳисобидан малакасини оширишга юборилгани аниқланди.

Меҳнат кодекси ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларда хизмат сафарига юборилган ходимни хизмат сафарига бўлган муддатда ва йўлда бўлган муддатда иш жойи (лавозими), ишбайлар учун ўртача иш ҳақи, лавозим маоши ёки ходимларни бошқа тоифалари учун ставкалари сақлаб қолينيши белгиланган.

Аммо иш берувчи ходимга қонунда белгиланган кафолатли тўловларни тўламаган. Натижада ходимнинг меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ бир неча қонун ва қонуности ҳужжатлари талаблари бузилган.

Туман адлия бўлими 2020 йил 20 апрелда туман тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритди ва киритилган тақдимнома асосида ходимга 2.350.470 сўм кафолатли тўловлар тўлаб берилиб, унинг конституциявий ҳуқуқлари тикланди.

Мўминжон МАТЮСУПОВ,

Амударё туман адлия бўлими бошлиғи

## Ойсарамми ёки ГУЛСАРА?

НАВБАҲОР туман “Хашман” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Гулсара Турдиева ўз меҳнат фаолиятини 1979 йилдан бошлаган. У тумандаги собиқ “Зарафшон” колхозида ишлаган ва пенсияга чиқаётганда ҳужжатларини Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимига тақдим қилган чоғида муаммага дуч келди. Чунки архив томонидан берилган маълумотномада 1979-1984 ҳамда 1986-1988 йиллардаги колхоз томонидан юритилган иш ҳақи китобларида унинг фамилияси ҳамда исми нотўғри ёзилган ва шу сабабли ушбу даврлар пенсияга қўшиб ҳисобланмаган.

Уни ёшлигида ҳамма эркалатиб Ойсара, деб чақирган. Иш ҳақи китобларида ҳам шу исм ёзилган, турмушга чиққанидан сўнг Примова фамилияси ҳеч қандай шарҳларсиз Турдиевага ўзгартирилган. Фуқаролик паспорти ва никоҳ гувоҳномасида ҳам унинг исм-фамилияси Гулсара Турдиева, деб қайд қилинган, шу боис архив томонидан берилган маълумотномада кўрсатилган Ойсара Примова номига ёзилган иш ҳақлари гўёки бошқа бировга тегишли бўлиб қолганлиги маълум бўлди.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судига Гулсара Турдиева манфаатида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Навбахор тумани бўлимига нисбатан даъво аризаси киритилди. Гулсара ва Ойсара битта шахс эканлиги, Ойсарага ёзилган иш ҳақлари Гулсарага тегишли эканлиги тасдиқланди. Фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Сунатилло ҚАЮМОВ,  
Навбахор туман адлия бўлими  
етакчи маслаҳатчиси



## ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ИШЛАГАН ШОВОТЛИКЛАРГА НЕГА ИШ ҲАҚИ БЕРИЛМАДИ?

ШОВОТ туманида яшовчи фуқаролар С.Сапаева ва Р.Сапарбаевалар “Эшон-қалъа” маҳалла фуқаролар йиғинида жорий йилнинг март ва апрель ойларида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашган.

Аниқланишича, “Эшон-қалъа” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг 2020 йил 4 мартдаги 1-сон буйруғи билан фуқаролар С.Сапаева ва Р.Сапарбаевалар Вазирлар Маҳкамаси қарори ва Шовот туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг йўлланмасига асосан икки ой муддатга ҳақ тўланадиган жамоат ишларига қабул қилинган.

Маҳалла идораси томонидан жамоат ишларида ишлаган бошқа фуқароларга март ойи учун тўловлар ўз вақтида тўлаб берилган.

Бироқ апрель ойи табели ва иш ҳақи ҳисобланган қайднома 5 май кuni туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига кечиктирилиб тақдим қилинганлиги сабабли фуқаролар С.Сапаева ва Р.Сапарбаеваларга апрель ойи учун иш ҳақи тўловлари бугунги кунга қадар тўланмаган.

Юқорида қайд этилган қарздорлик юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдимнома киритилди. Унга асосан С.Сапаева ва Р.Сапарбаеваларга иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилди.

Нуриддин РАХИМОВ,  
Шовот туман адлия бўлими бошлиғи



## Нуротада 7 нафар фуқаронинг меҳнат стажи тикланди

НУРОТА туманида яшовчи Ш.Назаровнинг 1986 йилдан 2000 йилгача, М.Холикуловнинг 1986 йилдан 1998 йилгача, М.Аҳмедовнинг 1993 йилдан 1995 йилгача, С.Норимовнинг 1987 йилдан 1998 йилгача, С.Назаровнинг 1992 йилдан 1998 йилгача турли ташкилотларда ишлаб олган иш ҳақлари тегишли ташкилотлар томонидан ўз вақтида архивга топширилмаганлиги сабабли, мазкур йиллар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан пенсия ҳисоблашда инобатга олинмаган. Шу ҳақидаги мурожаатлар адлия бўлими томонидан кўриб чиқилди.

Ўрганиш давомида фуқароларнинг меҳнат дафтарчаларида меҳнат фаолиятини олиб борган ташкилотлар ҳақида тегишли ёзувлар борлиги, Меҳнат кодексининг 81-моддасига кўра, меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат эканлиги инобатга олинди, 7 нафар фуқаронинг манфаатини қўлаб, Нурота туман маъмурий судига ариза киритилди. Мазкур ариза суд томонидан қаноатлантирилиб, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимига фуқароларнинг меҳнат стажини пенсия ҳисоблашда инобатга олиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Фуқароларнинг меҳнат стажлари тикланди.

Умиджон СУВОНОВ,  
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

# ҲАҚСИЗ ЖАЗО

Юқори турувчи

Суд органи томонидан

## БЕКОР ҚИЛИНДИ



**У**ТГАН йили гурланлик навқирон йигит Фаррух Қаландаровнинг иши судга тушди. Жиноят кодексининг ўғирликка доир 169-моддаси, 2-қисми, “в, г” бандлари бўйича тергов органи томонидан унга қўйилган айб дастлабки босқич суди томонидан асосли, деб топилди. Судланувчи 1 йилу 3 ой муддатга озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинди. Мазкур ҳукм ўтган йилнинг 3 август куни Гурлан туман ички ишлар бўлими томонидан ҳисобга олинди. Бу ҳол ўша йилнинг ноябрь ойигача давом этди.

Туман ички ишлар бўлими катта ноziри Юсуф Аҳмедов ана шу муддат мобайнида Ф.Қаландаров билан мунтазам мулоқотда бўлиб турди. Бироқ мазкур бўлимнинг пробация гуруҳи жорий йилнинг февраль ойида жиноят ишлари бўйича туман судига мурожаат қилиб, Ф.Қаландаров белгиланган озодликни чеклаш жазосини ўтамай келаётгани муносабати билан муқаддам чиқарилган ҳукми ўзгартириш ва уни бевосита озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштиришни сўради. Туман суди бу мурожаатни беътибор қолдирмади. Маҳкумга нисбатан зудлик билан қидирув эълон қилиниб,

Ф.Қаландаров жорий йилнинг 5 мартдаёқ ҳибсга олинди. Суд ҳам ички ишлар ходимлари тарафидан тақдим этилган далил ва ҳужжатларга суянган ҳолда унга нисбатан озодликни чеклаш бўйича муқаддам чиқарилган ҳукми 1 йилу 25 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирди, қўйди.

Бу ажримдан маҳкум норози бўлиши табиий. Жазони ўташдан бўйин товламагани, бор-йўғи яшаш жойини ўзгартиргани, Урганч шаҳрида истиқомат қилаётган ҳоласининг уйига кўчиб келгани, буни шу ердаги участка профлиактика ноziрига ҳам маълум қилганини билдириб, суд ажримини бекор қилиш ҳамда озодликка чиқаришни сўради. Ички ишлар органи сўровини беътибор қолдирмаган суд маҳкумининг мурожаатини ҳам назардан четда қолдирмади. Бу жараёнда судга чақиртирил-

ган Урганч шаҳар ички ишлар бўлимининг “Гурлан” кўчаси бўйича ҳудудий вакили Иззат Каримов озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган Ф.Қаландаров чиндан ҳам шу ҳудудда яшовчи ҳоласининг уйида паспорт рўйхатидан ўтмаган ҳолда истиқомат қилаётгани, у билан учрашиб, суҳбатлашгани, уй рўйхатидан ўтиши зарурлиги юзасидан огоҳлан-тирганини баён этди. Амалдаги қонунчиликка кўра, озодликни чеклаш жазосини ўташ қоидалари бузилган ҳолларда айбдор тараф тегишли тартибда огоҳлантирилиши зарур.

Афсуски, қонуннинг ушбу талаби Гурлан туман ички ишлар бўлими томонидан лозим даражада бажарилмаган. Огоҳлантиришга доир интизомий таъсир чораси маҳкумга нисбатан қўлланилмаган. Айни пайтда маҳкум тураржойини ўзгартирган ҳолда, ўзга манзилда истиқомат

қилаётгани фактига ҳам аниқлик киритилмаган. Бу билан Ички ишлар вазирининг 2017 йил 27 июлдаги буйруғида ўз аксини топган жиҳатлар, чунончи: мазкур ҳужжатнинг “Огоҳлантириш тарзидаги интизомий чора қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган маҳкум озодликни чеклаш тартиқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товловчи сифатида эътироф этилади”, дея қайд қилинган 98-банди, “Тураржойини ўзгартирган маҳкумлар ҳам ҳисобдан чиқарилади, бунда маҳкумларнинг янги тураржой бўйича ички ишлар органига дарҳол ёзма равишда хабар қилинади ва хабарноманинг бир нусхаси маҳкумининг йўлга жиддига тегишли 103-банди ҳам эътибордан соқит қилинган.

Маҳкумининг шикоят жиноят

ишлари бўйича Хоразм вилоят суди томонидан апелляция тартибда кўрилар экан, масаланинг айрим масъуллар тарафидан унутилган ушбу жиҳатлари синчковлик билан ўрганилди ва биринчи босқич судининг ажрими асосли эмас, деган хулосага келинди. Апелляция ҳайъати ишни кўриш асносида адолатли ва ҳолисона қарорга келди. Маҳкумга нисбатан озодликни чеклаш жазосини озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштириш юзасидан чиқарилган ажрим бекор қилинди. Ф.Қаландаровга нисбатан 1 йилу 25 кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлаиб, суд залидан озодликка чиқарилди.

**Музаффар САМАНДАРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди судьяси,  
**Абдулла СОБИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

### ДУНЁДАГИ ЭНГ ХАВФЛИ ЗАВОДЛАР:

#### УЛАР ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

##### Кабве — Замбиянинг кўрғошин конлари

Замбиянинг иккинчи йирик шахри бўлган Кабведа кўплаб болалар қонда кўрғошин миқдори юқори. Портлатиш учун минерал энди ишламаётганига қарамай, маҳаллий аҳоли кўрғошин қазиб олишдан азият чекмоқда. Бу ерда кўрғошин тупроқ ва ер ости сувларида кўп миқдорда тўпланиб қолган.

##### Калимантандаги олтин конлари — Индонезия

Калимантан — Борнео оролининг Индонезияга қарашли қисми. Ушбу майдон олтин қазиб олиш билан машғур. Металлни қазиб олиш жараёнида кўпчилик маъдан симобдан фойдаланади. Ҳар йили 1000 тоннадан ортиқ металл элементлар атраф-муҳитга тарқалиб, ер ости сувларини ифлослантормоқда.

##### Делта дарёси — Нигерия

Нигер Делтаси — бу аҳоли энг зич жойлашган ҳудуддир. Бу ерда Нигерия аҳолисининг саккиз фоиздан кўпроғи яшайди. Бироқ делтанинги ўзи ва ер ости сувлари, унинг атрафидаги ерлар нефтдан чиқадиган чиркиндилар билан ифлосланган. Дарёга йилга 240 минг баррелга яқин “қора олтин” тушади. Сабаби, доимий равишда бўлиб турадиган бахтсиз ҳодисалар ва нефтнинг ўғирланишидир.

##### Саноат шахри Норилск — Россия

Россиянинг Норилск шаҳрида йилга 500 тонна мис ва никел оксиди, шунингдек, икки миллион тонна олтингургут оксиди атмосферага чиқарилади. Ҳавонинг ифлосланиши даражаси шунчалик баландки, маҳаллий фабрикаларда ишчиларнинг ўртача умр кўриш даражаси ўртача республика кўрсаткичидан 10 фоизга пастдир. Бундан ташқари, минтақада ифлосланган ҳаво турли хил нафас олиш касалликларига, хусусан, ўпка саратони кўпайишига олиб келмоқда.

“Инсон ва қонун” муҳбири  
Мадина ҲАМДАМОВА таржимаси.



## УЙИГИЗДАН ТУРИБ НАВБАТ ОЛИНГ

ПАНДЕМИЯ шароитида кўплаб соҳаларда ўзгаришлар бўлди. Хусусан, ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасида карантин муносабати билан жамоат жойларида фуқароларнинг тўпланиши туриши сабаб вируснинг авж олишига йўл қўймаслик, уларга шундай шароитда қулайликлар яратиш, келгусида мурожаатларни қабул қилишда ортиқча навбатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб самарали ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан жисмоний ва юридик шахсларга сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатиш мақсадида мурожаатларни онлайн тарзда қабул қилиш, давлат хизматлари марказлари, ФХДЭ бўлимлари ва давлат нотариал идоралари томонидан хизматларини онлайн тарзда амалга ошириш йўлга қўйилди. Эндиликда фуқароларимиз ўзларини қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар олиш учун уйларида чикишлари шарт эмас. Адлия вазирлигининг ҳицуқий маслаҳатбот ботига кириб, ўз мурожаатларини қолдиришлари мумкин. Мазкур мурожаатларга малакали мутахассислар томонидан тегишли тушунтиришлар бериб борилади.

Бундан ташқари, нотариал ҳаракатларни онлайн тарзда амалга ошириш мақсадида e-notarius.uz портали ташкил этилган. Мазкур портал жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, мурожаат қилувчилар: нотариус қабулига электрон тарзда ёзилишлари, картадан энг яқин нотариус ёки нотариал идорани топишлари, электрон мурожаатни қолдиришлари, хизматлар бўйича керакли маълумотларни олишлари, нотариус ҳақида фикр қолдиришлари ва унинг хизматини баҳолашлари, очик маълумотларни олишлари мумкин.

Мазкур портал шуниси билан қулайки, инсталган нотариал ҳаракатнинг турига қараб, ҳужжатни расмийлаштиришда амал қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати мавжуд, нотариал ҳаракатнинг таснифи, керакли ҳужжатлар рўйхати мавжуд. Нотариал ҳаракат иштирокчилари, ҳаракатни расмийлаштириш учун тўланадиган божлар турлари, расмийлаштириш учун сарфланадиган вақт, бошқа шартлар, ҳаттоки калькулятор тўғрисида орқали жами тўлов суммасини аниқлаш имконияти ҳам мавжуд. Шундай экан, жисмоний шахс-

лар ва юридик шахслар вакиллари расмийлаштирилиши зарур бўлган ҳаракатларни ўз уйларида ўтирган ҳолда онлайн тарзда амалга оширишлари мумкин.

Ўз навбатида, Ҳукуматимиз томонидан фуқароларга қулайликлар яратиш, келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, энг асосийси, “COVID-19” инфекцияси тарқалмаслиги учун кўрилаётган қатъий чора-тадбирлар пайтида фуқароларимиз ҳам карантин қоидаларига қатъий амал қилишлари бугуннинг талаби.

**Зарнигор ИММОВА,**  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси Пастдаргом туман Давлат хизматлари маркази директори Бахтиёр Суванова отаси **Пиримқул СУВАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ИНСОН ҚОНУН**  
1007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.injust.uz

1128 2010-7897

72010789008

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулов Ахбар Журабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тожиев Фуқрат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Тахририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Фарида Қорақулова  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базисида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5680  
Буюртма — V-4192

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:


100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

**СИЗ** тез-тез самолёт-да учасизми? Парвоз хавфсизлигини таъминлайдиган одамлар қандай ишлаши ҳақида-чи, биласизми? Парвоз пайтида Сизга ғалати хатти-ҳаракатлар ва қондалар қандай пайдо бўлишини, ҳар қандай авиакомпаниядан нимани кутиш мумкинлигини, тажрибали авиаташувчиларнинг ҳиқояларида қанчалик ҳақиқат борлигини ва бу Сизнинг биринчи парвозингиз бўлса ҳам, уни қандай амалга оширишингизни қисқача тушунтиришади.



Ҳозир самолёт қаерда учиб кетаётганини қандай аниқлаш мумкин? Мен маршрутни тарк эта оламанми? Овора бўлман, саволларингизга, ҳатто, стюардессалар ҳам аниқ жавоб беришмайди. Чунки Сиз учувчилар таркибига киритилмагансиз.

Сиз телефондаги GPS харитаси ёки махсус иловадан фойдаланиб, парвоз қилаётган жойингиз, самолётнинг тезлигини ҳам аниқлашингиз мумкин. Ҳар бир парвоздан олдин самолёт йўналиши об-ҳаво ёки бошқа шароитларга қараб, шунингдек, диспетчларнинг тавсиялари асосида ўрнатилади.

## Парвозингиз БЕХАТАР БЎЛСИН!

### ПАРВОЗДАГИ МАЖБУРИЙ ЖИҲАТЛАР

Шифкорлар баъзи тоифадаги фуқароларга авиакомпанияларнинг хизматларидан фойдаланишни маслаҳат бермайдилар. Бунга қуйидагилар кирди:

- ҳомиладор аёллар, (етти ойдан ортиқ муддатда);
- кекса, хаста одамлар;
- қон босими баланд бўлган йўловчилар;
- ўткир ва сурункали касаллиги бор шахслар.

Парвоздан олдин йўловчиларнинг сўнги касалликларини ҳисобга олиш керак, масалан, юрак хуружидан сўнг парвоз қилиш тақиқланади.

Самолёт бортида йўловчининг оғир аҳволга тушиши сабабли зудлик билан кўнишга эҳтиёж туғилиши мумкин.

### ПАРВОЗ ЖАРАЁНИДА СТЮАРДЕССА ВА ЙЎЛОВЧИНING ВАЗИФАСИ НИМАНДАН ИБОРАТ?

Стюардессанинг асосий вазифаси парвозлар хавфсизлигини таъминлашдир. Стюардессалар 6 ҳафта давомида ўқув курсида ўқийди. Бу вақтда улар бортида ёнган юз берса тезлик билан эвакуация қилиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бортида туғилиш ва трахеостомия (трахеостомия) қилиш каби кўникмаларни ўрганишади.

Айтганча, стюардессани қақариш тўғрисида фақуллода ҳолатлар учун ҳам яратилган, шунчаки Сизга ёпинғич ёки шарбат келтиришни сўрашингиз учунгина эмас...

Парвоз бола ва она учун хавфсиз бўлса, нега ҳомиладор аёллар бортига чиқмайдилар? Бир қатор авиакомпаниялар аёлларга ҳомиладорликнинг охириги ойларида самолётда учини тақиқлаб қўйган.

Стюардессаларнинг узок муддатли кузатувлари шуни кўрсатдики, парвоз пайтида ҳомиладор йўловчилар учун асосий хавф бу — босимнинг пасайиши, стресс ва вақт зоналари ўзгариши. Ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида парвоз зарарсиздир. Аммо авиакомпаниялар ҳомиладор аёлни кўзи ёришига оз муддат қолган бўлса, самолётда эрта туғилиш хавфидан қўриқиб, парвоз хизматини рад қилиши мумкин.

### АВИАКОМПАНИЯЛАР ҲАВОДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ПУЛ ТЎЛАЙДИМИ?

Самолёт айрим мамлакатлар устидан учаётганда авиакомпания ҳаво бўшлиғидан фойдаланганлик учун пул тўлайди. Масалан, Канада ёки Россия устидан ўтиш Европа Иттифоқи мамлакатларига қараганда қимматроқ. Тажрибали саёҳатчилар ушбу принципларни ёдда тутган ҳолда саёҳат маршрутларини режалаштирадилар. Масалан, агар Сиз Сербияда бўлсангиз, у ердан тўғри йўналишда парвоз қилиш ва айна пайтда муносиб миқдорда пулни тежаш учун Болгария, Венгрия, Хорватия, Греция ёки Словенияга қуруқликдаги транспорт орқали боришингиз мумкин.

### УЧИШ ВАҚТИДА БИРОР ҒАЛАМИС ОДАМ САМОЛЁТНИНГ ЭШИГИНИ ОЧИБ ЮБОРИШИ МУМКИНИ?

Парвоз пайтида самолётнинг эшикларини ёки авария люкларини очишнинг иложи йўқ. Буни самолёт ичидаги босим амалга оширишга йўл қўймайди. Деярли барча самолётларнинг эшиклари ички томонга очилади. Оддий учиб баландлигида фюзеляжнинг ҳар квадрат сантиметр юзасига ички томондан ярим килограмм атрофидаги куч босим кўрсатади. Яъни, бир квадрат метрга тахминан 5 тонна босим тўғри келади. Эшикни очиш учун гидравлик домкрат керак бўлади, бироқ уни самолётга олиб чиқишга ҳеч ким ижозат бермайди.

### МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР САМОЛЁТГА ЗАРАР ЕТКАЗИШИ МУМКИНИ?



Назарий жиҳатдан етказиши мумкин, ҳақиқатда эса деярли йўқ. Авиакомпаниялар бу борада шунчаки эҳтиёт чораларини кўришади. Агар Сиз телефонда гаплашмаётган бўлсангиз ҳам, телефон ишчи ҳолатда ўзидан назарий жиҳатдан самолёт учун хавфли бўлиши мумкин бўлган ўта юқори частотали сигналлар тарқатади. Шунинг учун самолётни бошқаришдан олдин уни ўчириб қўйиш лозим. Барибир хавф даражаси жуда кичик, йўқса авиакомпания барча йўловчиларнинг телефонларини йиғиб олган бўларди. Агар телефон ҳақиқатан ҳам қандайдир фалокатга олиб келганда, унда ҳозиргача бунинг тасдиғи бўларди.

### САМОЛЁТДА УНУТИЛГАН БУЮМЛАР ҚАЕРДАН ОЛИНАДИ?

Йўловчилар самолётдан чиқиб кетиши билан стюардессалар борти диққат билан кўздан кечирадилар ва топилган нарсаларни авиакомпания вакилларига топширадилар. Кейин эса "Йўқолган ва топилган" хизмати (аэропортнинг унутилган нарсалар бюроси) орқали эгаларини қидирадилар. Бюрога келиб тушгач, буюм ўралади, муҳрланади ва бир неча ойгача сақлаш учун қолдирилади.



### УЗОҚ ПАРВОЗ ДАВОМИДА САМОЛЁТДА ЧЕКИШ МУМКИНИ?

Барча авиакомпаниялар парвоз пайтида никотиндан фойдаланишни тақиқлаган. Бунга иккита асосий сабаб бор: Ёнган хавфсизлиги. Чекилган сигарет бутун самолётнинг кулашига ёки ёнганга олиб келиши мумкин.

Кабинада ёқимсиз хид пайдо бўлиши. Аммо электрон сигаретдан фойдаланиш мумкин. Лекин ундан фойдаланишдан олдин самолётнинг хатти-ҳаракати ҳақидаги кўрсатмалар билан танишиб чиқинг, чунки кўпгина авиакомпаниялар электрон сигарет чекишни самолётда фойдаланишга рухсат бермайдилар. Бу савол билан экипаж командирига боғланиш тавсия этилади, чунки у йўловчилар учун тула жавобгар.